



МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, таниқли давлат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда.

Табриқномаларда хорижий ҳамкорлар томонидан дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва тараққиёт тилаклари изҳор этилган. Ушбу қутлуғ кунлар мамлакатимиз ва минтақамизнинг бутун мусулмон умматига фаровонлик, раънақ олиб келиши алоҳида қайд этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриқларини йўллаган:
Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**
Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
Қувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик**
Баҳрайн Подшоҳи **Ҳамад бин Исо Ал Халифа**

Иордания Подшоҳи **Абдулла II**
Мароккаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**
Сурия Араб Республикаси Президенти **Башар Асад**
Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудоффаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**
Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондонини ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**
Қувайт Давлати валиаҳди **Мишаал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
Миср Бош имоми, "Ал Азхар" мажмуаси раҳбари шайх **Аҳмад Таййиб**.
Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНШООТЛАРИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Буюк муҳаддис Имом Бухорий ривояти билан келтирилган бир ҳадисда "Амалларнинг натижаси ниятга қараб бўлади", дейилган. Дарҳақиқат, 2018 йил 15 июнь — Рамазон ҳайити кунинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, олий ва юксак ниятлар билан бу маскан пойдеворида тамал тоши қўйган эди. Ўтган даврда марказ биноси қад кўтариб, айни вақтда унинг ички безаклари, пештоқдаги ёзувлар ҳамда мазмунини бойитиш устида ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу бунёдкорлик ишлари ҳадисда келтирилган эзгу ниятнинг яхши натижаси, тўрт йил олдин қўзланган буюк мақсаднинг амалий ифодасидир.



Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз дунёқарашини, ғурурини кўтариш, қандай буюк эл эканимизни ашъвий далиллар билан намён этиш учун бунёд этилаётган бу марказ ҳақиқатан шонли ўтмишимиз ва келажгимизни бир-бирига боғлаб турадиган маърифат кўприги бўлиб хизмат қилади.

Бу йилги муборак Рамазон кунларида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага яна ташриф буюриб, марказда олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шавкат Мирзиёев ушбу Марказ ҳақида фикр билдирар экан, доимо унинг ички мазмун-моҳиятини ҳам тўлдириш муҳим эканини таъкидлайди.

Давоми 2-бетда

“GSP+”

ИМКОНият, ҲАМКОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ МАЙДОНИ



ТАШҚИ САВДО



Ўзбекистон Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (“GSP+”) доирасидаги имтиёزلардан фойдаланиш имкониятига эга бўлганига бир йил тўлди.

2021 йил 10 апрелда мамлакатимиз учун “GSP+” кучга кирган, Ўзбекистон ушбу тизимга преференциялар бош тизими доирасида бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинган. Вақт югуриқ, мана шу муҳим воқеалик сабаб юртимизнинг

экспорт бозорлари янада кенгайганига ҳам бир йил бўлибди. Хўш, ўтган бир йилда ушбу имтиёзлар тизими бизга нималар берди, экспортда таъсири сезилдими? Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин “GSP+” тизими, унинг афзалликлари

томонлари, Ўзбекистон учун ушбу тизим имкониятлари зарурати, имтиёزلарни қўлга киритиш тарихига тўхталиб ўтсак. Аввало, “GSP+” тизими ҳақида.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

иқтисодий ислохотларга қандай таъсир кўрсатди?

Иқтисодиётда бозор муносабатлари жорий этилса-ю, у эркин бўлмаса, бундай вазиятда тўлақонли ривожланишга эришиш қийин. Айниқса, иқтисодий муносабатларнинг трансформациялашуви шароитида бозорда талаб ва таклиф ҳамда рақобат қонуни амал қилишига йўл очиш зарурати ортиб бораверади.

Шу жиҳатдан, мамлакатимизда 2017 йили миллий валюта — сўмнинг эркин конвертацияси жорий этилиб,

дунё бозорларига миллий валютада ҳам халқаро облигациялар чиқарилгани халқимиз тарихидаги улкан воқеалик

бўлди. Бу давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган пул-кредит тизими ва уни эркинлаштириш борасидаги энг катта қадамлардан бири эди. Очиги, бу ўзгаришни халқимиз узоқ йиллар кутганди.

Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 12 АПРЕЛЬ КУНИ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ




Жорий йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.



Шу йилнинг ўзига 80 миллион долларлик 34 та лойиҳа режалаштирилган. Мутасаддиларга бу борада тадбиркорларга кўмаклашиб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Йирик хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказилиб, уларнинг брендлари жалб қилинади.



Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан яна 18 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари уларни Ҳиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда айланма маблағлар учун 200 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинадиган бўлди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига юртимизда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 йил муддатга кафолатли харид қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бунда, айниқса, онкология, гематология, эндокринология ва вирусли касалликлар учун дорилар нархини арзонлаштириш кераклиги таъкидланди.



Бугунги кунгача дори ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш учун қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган хомашёлар рўйхати бешта идора томонидан тасдиқланган эди. Эндиликда бу рўйхат учта — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.



Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимларига 80 та туманни доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, плантациялар ташкил этиш топширилди.



Доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импортида божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисми қоплаб берилади, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.



Мамлакатимизда йилига 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол қилинади. Шундан катта қисми — қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик маҳсулотлар четдан олиб келинмоқда.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИНШООТЛАРИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Шуқурилло УМАРОВ,
Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директори

Бошланиши 1-бетда

Марказнинг биринчи қаватида музей омбори, қадимий қўлёзма ва осори атиқаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, наشريёт ва китоб дўконлари жойлаштириш зияратга келувчиларга қулайлик яратди. Марказга ташриф буюрувчилар иккинчи қаватдаги асосий кўргазма майдонидида миллий тарихимиз ва аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос билан танишади. Бу ердаги ислом тарихи музейи, тарихий ва илмий ашёлар билан жиҳозланган бўлимлар, шунингдек, бино марказидаги маҳобатли гўмбаз остига Ўсмон мусҳафи қўйилиши марказнинг асосий ички концепциясидир.

Президентимизнинг 2021 йил 16 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” ғоясини тарғиб қилувчи, мамлакатнинг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи ва кенг жамоатчиликка етказувчи марказга айлантирилиши таъкидланди. Шунга асосланиб, Ислон цивилизацияси маркази мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб бериш, шунингдек, моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой аъёнларни тарғиб қилиш каби ишларни амалга оширишни белгиланган.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс тарихи ва тадрижий босқичларини, унинг илмий тараққиёт омилларини



ҳам ўрганиб, Учинчи Ренессанс учун пойдевор яратишдек улуғвор вазифалар марказ зиммасига юклатилган. Шунингдек, Марказнинг яна бир муҳим вазифаси муқаддас ислом дини билан

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридида таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг йўлга қўйилиши ўзбек заминидида таваллуд топиб, илмий фаолият олиб борган буюк аллома ва мутафаккирлар меросини илмий тадқиқ этиш ва унинг натижаларидан амалий фойдаланиш жараёнида янги босқични бошлаб берди.

Мазкур қарор билан марказ давлат реестрини шакллантириш ва юритиш,



боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидидаги ўрнини инновациян усуллар орқали тарғиб қилишдан иборат.

Марказ таркибидидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиб борилади ҳамда яхлит 100 мингдан зиёд қўлёзamani ўзида ифода этувчи илм-маърифат учун хизмат қиладиган улкан илмий мажмуа шакллантирилади.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуанинг келажаги ҳақида фикр билдирар экан, шундай таърифлади: “Бу марказ асрлар давомида халқимизга хизмат қилади, унинг ҳар бир нақши тарихга муҳрланади. Шунинг учун марказнинг безаги, маъно-мазмун ислоний ва илмий жиҳатдан асосланган, чуқур ўйланган бўлиши керак. Одамлар ҳам ўқиб, илм оладиган, ҳам юракдан ҳис қиладиган муҳит яратиш зарур”.

шунингдек, қадимий ёзма манбаларни босқичма-босқич рақамлаштириш учун масъул давлат муассасаси этиб белгиланди. Марказ республика ҳудудидаги барча музейлар, кутубхоналар ва архив фондларида сақланаётган қадимий ёзма манбаларнинг давлат реестрини тузади ва доимий мониторингини юритиб боради. Марказ томонидан юритилган ёзма манбалар давлат реестри асосида қадимий ёзма манбалар турлари бўйича каталоглари ва электрон нусхалари яратилади. Реестрни юритиш бўйича ягона ахборот тизимига киритиш ҳамда мунтазам тўлдириб бориш чоралари ҳам қўрилади.

Бугунги кунда юртимизда 100 мингдан зиёд ёзма манба мавжудлиги қайд этилган бўлса, хорижий фондларда ҳам аждодларимиз маънавий меросига оид манбалар бундан кам эмас. Туркия, Миср, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа кўплаб давлатлардаги ёзма манбалар фондлари асосини юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимиз ёзма маънавий мероси ташкил этади.

Саудиядаги Фаҳд ибн Абдулазиз тадқиқот маркази директори, доктор Абдуллоҳ Муниф “Мовароуннаҳр алломалари ёзма мероси дунё фондларининг олтин захирасига айланган, биз уларни узоқ вақт омонат ҳолда сақлаб келдик. Буюк алломалар меросини уларнинг воясига келган ҳалқимизнинг таъкидлаганидек, бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади.



Шунингдек, Оксфорд ислом тадқиқотлар маркази директори Фарҳанг Низомий “Ўзбекистон — буюк мутафаккир ва мутакаллимлар, муҳаддису муфассирларнинг маънавий хазинасини ўзида жамлаган диёрдир”, деб таърифлайди.

Президентимиз марказга аввалги ташрифи чоғида қуйидаги юксак мақсадни айтган эди: “Ушбу марказ миллий тарихимиз ва маданиятимизни, миллий ўзлигимизни тиклаш ва янада раванқ топтириш йўлида янги даврни бошлаб беради. Бу марказ Учинчи Ренессанснинг илмий пойдевори бўлиши керак”.

Марказ ташкил этилиши муносабати билан хорижий экспертлар ҳам ўз эътирофларини билдирмоқда. Буюк Британия лордлар палатаси аъзоси, Шайх Муҳаммад Илтоф шундай деди: “Дунё илм-фан цивилизацияси тараққиётида ўзбекистонлик олимларнинг буюк хизматлари бор. Мусо Хоразмийсиз математикани, Абу Али ибн Синосиз тиббиётни, Имом Мотуридийсиз ақиди илмини, Имом Бухорий ва Имом Термизийсиз ҳадис илмини тасаввур этиб бўлмайди”. Эксперт буюк аждодлар меросини ўрганиш ва улар устида кенг тадқиқотлар олиб боришда Ўзбекистонда янги ташкил этилган илмий-тадқиқот марказларининг ўрни беқиёслигини таъкидлайди.

Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази миллий тарихимиз ва маданиятимизни, миллий ўзлигимизни тиклаш ва янада раванқ топтириш йўлида янги даврни бошлаб беради.

Дарҳақиқат, миллиятнинг юксак маърифати ва маънавиятини кўрсатиш, муқаддас тарихимизни ўрганиш, аждодларимиз илмий меросини тадқиқ этиб, халқимиз ҳамда дунё аҳлига тақдим этишда Ислон цивилизацияси маркази муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БАРЧА ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН БИР ОВОЗДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ИХТ) раислиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йилни ИХТда Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этган эди.

Ўзбекистон Президентининг мазкур ташкилот доирасида муайян соҳани ривожлантириш бўйича ҳар йилга ном бериш анъанасини жорий этиш ташаббуси катта қизиқиш билан қабул қилинди ва ташкилотга аъзо барча мамлакатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Шу муносабат билан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг расмий вакиллари ҳамда ИХТ бош қотиби ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришда давом этмоқда.

Хусусан, яқинда Эроннинг Хормозган вилоятидаги Бандар Аббос шаҳрида бўлиб ўтган ИХТга аъзо мамлакатлар Доимий вакиллари кенгашининг сайёр йиғилиши чоғида ИХТ Бош қотиби Хусрав Нозирий Ўзбекистон Президентининг 2022 йилни ташкилот маконидида ИХТда ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиш бўйича ташаббуси ИХТ минтақасидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, товарларнинг тўсиқсиз транзитини таъминлаш, рақамли процедураларни жорий этиш, шунингдек, интеграциялашган автомо-биль, темир ва денгиз йўллари, ҳаво тармоқларини яратишга кучли тurtки беришини қайд этди.

Бош қотиб ИХТ Котибиятининг кун тартиби автомобиль, темир йўл, денгиз транспорти, шунингдек, фуқаро авиацияси соҳасида кенг қўламли тадбирлар, дастур ва лойиҳаларга эга эканини таъкидлади.



Эроннинг ИХТдаги доимий вакили Саид Алави Эрон тўла-тўқис Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференцияси доирасида илгари сурган БМТнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияси лойиҳасининг қабул қилинишини қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

У, шунингдек, Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йилида транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари ИХТ фаолияти доирасида тобора долзарб аҳамият касб этаётганини билдирди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йилни ташкилот маконидида ИХТда ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиш бўйича ташаббуси ИХТ минтақасидаги транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, товарларнинг тўсиқсиз транзитини таъминлаш, рақамли процедураларни жорий этиш, шунингдек, интеграциялашган автомобиль, темир ва денгиз йўллари, ҳаво тармоқларини яратишга кучли тurtки бериши қайд этилди.

Озарбайжоннинг ИХТдаги доимий вакили, элчи Али Ализода ҳам Ўзбекистон Президентининг Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йилини эълон қилиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлар экан, ИХТ минтақасида транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш, амалга ошириладиган ва режалаштирилган барча лойиҳаларни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишга чақирди.



ИХТ Транспорт ва коммуникациялар департаменти директори Акбар Ходайи Ўзбекистон раҳбарининг таклифи ИХТ транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро юклар транзити, темир йўл, денгиз ва ҳаво алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, ИХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва ички савдони ошириш учун янги тurtки беришини ҳамда истиқболли имкониятлар яратишини таъкидлади.

“Дунё” АА
Техрон

НАВРЎЗ ШУКУҲИ



Баҳор шабадаси юртимиз боғларини кезиб, дилларга яшариш ва яшнаш сурурини бағишлаётган айни кезларда юртдошларимизнинг ҳар жабҳадаги фаолияти ва кайфияти ўзгача. Ўтказилаётган турли тадбирлар, танловларда эса уларнинг эзгу ниятлари, интилишлари акс этади.

УЙҒОНГУВЧИ БОҒЛАРНИ КЕЗДИМ...

... Мана бу лавҳага бир қаранг: тулпорлар кишнаган кенг яйловда болакайлар варрак учирмоқда. Соқларига толбарг таққан қизалоқлар тилидан янграётган шеър мисраларига қулоқ тутинг: “Уйғонгувчи боғларни кездим...”.

Хув анави суратларда акс этган сумалак қайнаган қозонлар тафтию қалби қайноқ ўғлонларимизнинг кўпқарида олган совринларини, уларнинг кўзларидаги бахт нашидасини айтмайсизми...

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида “Ассалом, Наврўз — янгилашни, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми” шиори остида “Энг яхши ижтимоий ролик”, “Энг яхши шеър ижроси” (видеоматериал шаклида), “Энг яхши фотосуратлар” номинациялари бўйича танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ташкилотчилар вакиллари, ғолиблар ҳамда бир ғуруҳ ёшлар иштирок этди.



Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашди. Тақдим этилган ижодий ишлар @Navruz2022_tanlov_bot телеграм-боти орқали 2022 йил 25 мартгача қабул қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, танловда 715 нафар киши иштирок этган. “Энг яхши ижтимоий ролик” номинацияси бўйича 265 нафар иштирокчидан 310 та, “Энг

яхши шеър ижроси” (видеоматериал шаклида) номинацияси бўйича 153 иштирокчидан 188 та, “Энг яхши фотосуратлар” номинацияси бўйича 297 иштирокчидан 2500 та, жами 2998 та ижодий иш келиб тушган.

Тақдим этилган ҳар бир материал ҳакамлар ҳайъати томонидан мавзунинг долзарблиги, Наврўз умумхалқ

байрамнинг ижтимоий аҳамияти, мамлакатимизда “Ассалом, Наврўз — янгилашни, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми” деган бош ғоя асосида миллатларро доғстлик ва тотувчи муҳитини мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқимиз ҳаётда юз бераётган ижобий ўзгаришлар нечоғлиқ очиб берилганига қараб баҳоланди.

— Мен айни пайтда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетида таҳсил оламан, — дейди “Энг яхши ижтимоий ролик” номинацияси ғолиби Акмал Тўхтаев. — Ўзим тайёрлаган роликнинг орқали миллий қадриятларимиз ва аъёнларимиз замиридаги умуминсоний ғоялар бугунги кунимизда нақадар долзарблигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган бу каби тадбирлар халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида тинчлик, хотиржамлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан янада катта аҳамият касб этади.

Тадбир сўнггида ғолибларга махсус сертификат ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Жасурбек АТАНИЯЗОВ,
Тошкент молия институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириш, Европа давлатларига “GSP+” тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш устувор вазифалардан этиб белгиланди.

“GSP+” тизими нима, унинг қандай қулайлик томонлари бор?

“GSP+” (Generalised Scheme of Preferences Plus) ривожланаётган мамлакатлар экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий имтиёзлар тизими бўлиб, ривожланаётган давлатлар экспорт қиладиган товарлар учун божхона тарифларидан имтиёзлар беришни кўзда тутди. Бошқача айтганда, ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар бозорларига экспорт қилинадиган товарларга божхона имтиёзлари тақдим этиди. Мазкур имтиёзлар бериш тизими деярли барча турдаги саноат ва айрим қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига нисбатан қўлланилади.

Ривожланаётган мамлакатлар учун тариф имтиёзлари бериш ғояси 1960 йилларда БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) доирасида илгари сурилган. Бундан қўзланган асосий мақсад ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон бозорларига ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб боришини таъминлаш, улар учун имтиёзли савдо тизимини яратиш орқали ташқи савдо муносабатларини фаоллаштириш эди.

Кейинчалик Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (ГАТТ), Жаҳон савдо ташкилотига ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш чоралари қўрилди. Ривожланаётган мамлакатлардан товарлар киришини янада осонлаштириш усуллари такомиллаштирилди.

Преференциялар бош тизими (GSP)нинг қулайлик томони шундаки, ривожланаётган мамлакатлар учун бозорга кўпроқ имтиёзли киришни таъминлайди. Бу эса бенефициар мамлакатларнинг ГАТТ/ЖСТнинг “энг кўп қулайлик режими”дан чиқишига сабаб бўлади. Чунки преференциялар бош тизими бўйича бозорга кириш 7 фоиз ёки ноль фоиз ставкаларни ташкил этадиган бўлса, “энг кўп



қулайлик режими”да бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил қилади.

“GSP+” эса савдо сиёсати воситаси ўлароқ, ривожланаётган мамлакатлардан олиб кирилаётган товарларни божхона божларидан озод қилишни назарда тутди, унинг мақсади бенефициар мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ёрдам беришдан иборат.

да миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишни таъминлашнинг қатор муҳим йўналишлари белгилан берилди. Жумладан, янги экспорт бозорларига чиқиш энг асосий вазифалардан бири этиб белгиланган ҳолда, бу борада 2021 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг



қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш ва “GSP+” тизими доирасидаги имтиёзларни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш каби долзарб масалаларни ҳал этиш вазифаси белгиланди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириш, Европа давлатларига “GSP+” тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш устувор вазифалардан этиб белгиланди.



Аҳамиятли жиҳати, иқтисодий тараққиётга эришиш йўлида белгиланган бу каби долзарб масалаларни амалга ошириш ҳамда ташқи савдо алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган ишларнинг ижобий натижаси ўлароқ, 2021 йил 10 апрелда Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус имтиёзлар тизими — “GSP+” кучга кирди. Ўзбекистон ушбу тизимга преференциялар бош тизими доирасида бенефициар мамлакат сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон “GSP+” тизимининг аъзоси сифатида GSP қамраб олаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисмига тарифларни тўлиқ бекор қилиш орқали стандарт GSPга нисбатан қўшимча имтиёзларга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ташқи савдо ҳажми ва экспорт салоҳиятининг ошишига қулай замин яратди.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ўтган йилнинг 10 апрелидан бошлаб юртимиз Арманистон, Боливия, Кабо-Верде, Мўғулистон, Қирғизистон, Покистон, Филиппин ва Шри-Ланка каби мамлакатлар қатори Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (“GSP+”) доирасидаги имтиёзлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бунга қадар Ўзбекистон преференциялар бош тизими (“GSP”) доирасидаги имтиёзларга мувофиқ, божхона божларисиз 3000 та, пасайтирилган бож ставкалари асосида 3 минг 200 та маҳсулотни Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш имкониятига эга эди.



Бу бизга нима беради?

Таъкидлаш жоизки, “GSP+” тизими маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзли шартларда 447 миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига кириш имконини беради. Ушбу тизим бўйича тақдим этилган имтиёзлар асосида мамлакатимиз Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига 6 минг 200

Кези келганида таъкидлаш ўринлики, бугун мамлакатимизда тарихий ривожланиш даврининг иккинчи давраси бошланди. Албатта, миллий тамаддуннинг ушбу босқичида иқтисодиёт ривожини асосий ўрин эгаллайди.

Гап иқтисодиёт ривожини ҳақида борар экан, бу борада сўнгги йилларда амалга оширилаётган йирик, таъбир жоиз бўлса, келажакка дахлдор мега лойиҳаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Саноат йўналишини олиб қарайдиган бўлсак, Қашқадарё вилотида Ғузор туманидаги “Uzbekistan GTL” заводи ана шундай тарихий лойиҳалардан бири саналади.

Завод нефть-газ-кимё саноати соҳасида минтақамиздаги энг йирик корхона бўлиб, йилига 3,6 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суюқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Жумладан, 300 минг тоннадан зиёд авиакеросин, 720 минг тоннадан ортиқ дизель ёқилгиси, қарийб 440 минг тонна нафта, 53 минг тонна суолтирилган газ тайёрланади. Бу, йилга 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланади, 200 миллион долларлик экспорт ва 2 триллион сўмлик солиқ тушумлари таъминланади, дегани.

Лойиҳанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, GTL маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2030 йилга бориб 2 баробарга ўсади. Табиийки, бу янада юқори қўшилган қийматли бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Олмалиқда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳам ана шундай муҳим лойиҳалар сирасига киритиш мумкин.

Йилга 65 миллион тонна атрофида руда қазиб олиш имконини берувчи мазкур кон Ўзбекистон мис ишлаб чиқариш саноатида янги даврни бошлаб беради. Лойиҳанинг умумий қиймати 5 миллиард 122 миллион доллар бўлиб, 2 босқичда амалга оширилади. 2021-2025 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда 290 минг тонна мис катоди, 38 тонна олтин ва 203 тонна қумуш ишлаб чиқарилса, иккинчи босқич — 2024-2028 йилларда 400 минг тонна мис катоди, 50 тонна олтин ва 270 тонна қумуш металлари ишлаб чиқариш мақсади қилинган.

Дунёда мисга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, халқаро экспертларнинг фикрича, электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳаларининг ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб дунёда мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда. Биргина мана шу талабнинг ўзиёқ “Ёшлик-1” кони лойиҳасининг нақадар истиқболли эканидан далолат беради, албатта.

Тақдим этилаётган янги қулайликлар натижасида Европа Иттифоқи бозорларига экспорт ҳажми сезиларли даражада ошади. Хусусан, 2021 йилда 1,3 миллиард долларлик 108 турдаги юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспорт қилинган бўлиб, шундан 39,6 миллион доллар Европа Иттифоқи давлатларига йўналтирилган. 2022 йилда ушбу кўрсаткични 10 баробарга ошириш режа қилинган.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва шунга мос равишда экспорт имкониятлари ортиб бормоқда. “GSP+” имтиёзларидан самарали фойдаланиш эса иқтисодиётимиз ривожига муҳим ўрин эгаллайди.

Очиғи, сўнгги йилларда ҳаётга татбиқ этилаётган бу каби муҳим лойиҳалар рўйхатини яна давом эттириш, уларнинг аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Мухтасар айтганда эса янги ва истиқболли лойиҳалар самараси ўлароқ, ортиб бораётган экспорт имкониятлари янги бозорларга эҳтиёжни юзага келтиради. Шу маънода, Европа Иттифоқи давлатлари бозорларига “GSP+” тизими доирасида янада қулай имкониятлар тақдим этилгани мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Экспортни ривожлантириш йўлида собитқадамлик

Умуман олганда, “GSP+” тизимининг афзалликлари томонлари, Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим жиҳатлари ҳақида қисқа бўлса-да маълумотга эга бўлди. Энди мақола бошида қўйилган саволга қайтсак: имтиёзлар тизими бизга нима бериб, экспортга таъсири сезилдими?

Маълумотларга қўра, ўтган йили Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3,9 миллиард долларни ташкил этган. Шундан экспорт ҳажми қарийб 540 миллион долларни ташкил қилгани ҳолда, 2020 йилга нисбатан 30 фоиз ўсиш кузатилди.

Буни биргина тўқимачилик йўналиши бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 2020-2021 йилларда Европа Иттифоқи бозорларига 114 та товар кодлари бўйича 101 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, “GSP+” имтиёзлари туфайли сўнгги бир йилда 210 та код бўйича экспорт ҳажми 210 миллион долларга етди.

Шу ўринда мамлакатимизнинг иқтисодиёт, жумладан, ташқи савдои жадал ривожлантириш йўлидаги собитқадамлигини алоҳида қайд этиш лозим. Президентимизнинг шу йил 6 апрелда қабул қилинган “Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитларни яратиш борасидаги навабатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармонлари бу борадаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Хусусан, 6 апрелдаги фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2023 йил 1 апрелга қадар маҳаллий корхоналарга Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташқи харажатларини 70 фоизгача компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади. Шу кунга қадар Европа Иттифоқи мамлакатларига транспорт харажатларини қоплаш учун субсидия миқдори 50 фоизгачани ташкил этарди.



МУНОСАБАТ

ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТДИ?

Бошланғичи 1-бетда

Рустам ҲАСАНОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



“Ички валюта бозори 2021 йилда чет эл валютасига талаб ортиши ҳамда қўлай ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари асосида таклифнинг ҳам ўсишига олиб келди. Ўтган йил давомида ташқи савдо айланмаси жадаллашиши экспорт тушумлари ҳажмининг (олтин экспортини ҳисобга олмаганда) аввалги йилдагига нисбатан 34 фоиз ўсишини таъминлади. Ички валюта бозорида чет эл валютасига талабнинг умумий ҳажми 26,1 миллиард долларни ташкил этиб, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан таклиф 11 миллиард, банклар ва жисмоний шахслар томонидан 7,4 миллиард долларга етди.

Бугун валюта бозори нафақат эркин, балки тадбиркорлар ва хусусий сектор вакиллари фаолиятида асосий таянча айланган. Президентимизнинг жорий йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги наватбадга ислохотлар туғрисида”ги фармони билан пул ва капитал бозорларини янада эркинлаштириш белгилангани ҳам шундан. Бунинг ҳисобига молия бозоридаги турли сегментлар ривожига туртки бериш, шу орқали хусусийлаштирилган ва трансформация жараёнидаги корхоналарга ўз фаолиятини молиялаштиришнинг муқолиб манбаларини шакллантиришга шароит яратиш кўзда тутилган.

Узоқ турғунликдан кейинги ислохотлар самараси

Ўзбекистондаги молиявий ислохотлар тарихида пул-кредит муносабатлари, хусусан, валютани эркинлаштириш масаласида 20 йилдан ортиқ давр мобайнида жиддий ўзгаришлар кузатилмади. Пул-кредит сиёсатининг қаттиқ юритилиши оқибатида миллий валютани эркин айир-бошлашда чекловлар ҳаддан зиёд олиб бораверди. Натижада сўмининг хорижий валютага айирбошланишида бир ёқлама тизим амал қилди. Валюта курси бўйича расмий ва “қора бозор” курси шаклланди, бу борада иккита котировкада қиймат мавжуд эди. Оқибатда миллий сўмини хорижий валюталарга эркин айирбошланиши тор доирада, айрим молиявий муассаса ва уларнинг раҳбарлари ихтиёрида бўлиб қолди. Бундай ҳолат бозор иқтисодиёти тартиб-таомилларига зид бўлгани ҳолда коррупция кучайишига олиб келди. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳолатдан чиқиб кетиш имлоғисиз бўлган боши берк кўчага кириб қолди.

Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор вазифаси — иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга киришилди. Валютани эркинлаштиришдаги муаммоларни бартараф этиш, бунинг учун қанча ресурс ва сарф-харажатлар зарурлиги чиқаришдан ўтказилди. Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи наватбадга чора-тадбирлар туғрисида”ги фармонида мазкур масаланинг устувор йўналишлари белгиланган бўлибди.

Биринчи гада, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш орқали миллий валюта бозорини эркинлаштиришга дастлабки қадам қўйди. Шундан сўнг биринчи-кетин валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақат бозор механизмларини қўллашга ўтишни таъминлаш билан пулга талаб ва таклиф нисбати доирасида эркин алмашув курсини шакллантириш имконияти вуқудга келди.

Сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевоcита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологияларни жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Натижада иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар эркин кириб келишининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари қарор топди.

Қолаверса, миллий валюта барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсат юритилди. Бу борада монетар инструментлардан фаол ва мос-

лаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очик бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидилигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишнинг амалиётга жорий этилиши билан тижорат банкларининг молиявий эркинлигини мустаҳкамлашга замин яратилди.

Мазкур йўналишда қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги тизимли ишларга улашиб кетди. Жумладан, валюта операциялари ва валюта назоратини такомиллаштиришнинг меъё-



“Валюта бозорини янада либераллаштириш юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқини берди. Маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқлари тўлиқ таъминланди. Валюта бозорида барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароити яратилиши иқтисодиёт тармоқларида экспортни ривожлантириш, хорижлик инвесторларни жалб этишга кенг йўл очмоқда.

рий-ҳуқуқий асослари 2019 йил октябрда янги тахрирда қабул қилинган “Валютани тартибга солиш туғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топди.

Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2017 йил 1 августдан бошлаб ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизини мажбурий сотиш талаби беркор қилингани ҳам муҳим янгилик бўлди. Бошқа қатор ҳужжатлар билан эса аҳолига банк хизматлари кўрсатиш, жумладан, валюта олди-сотида операцияларини амалга оширишда қўлайликлар яратилди.

Умуман, сўнгги йилларда тизимли ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида салмоқли ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Президентимизнинг 2020 йил 8 июлдаги тегишли фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида валютани тартибга солиш билан боғлиқ 41 та ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар қилиниб, 73 та ҳужжат ва норма ўз кучини йўқотган, деб топилгани ҳам бунинг яққол мисолидир.

Валюта бозорини ислох қилиш иқтисодиёт ривожига хизмат қилмоқда

Валюта бозорини янада либераллаштириш юридик ва жисмоний шахсларга

чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқини берди. Маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқлари тўлиқ таъминланди. Валюта бозорида барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароити яратилиши иқтисодиёт тармоқларида экспортни ривожлантириш, хорижлик инвесторларни жалб этишга кенг йўл очмоқда.

2017 йил охирига келиб, валюта бозорини эркинлаштиришда яратилган шарт-шароитлар макроиқтисодий барқарорликка ижобий таъсир кўрсата бошлади. Валюта бозорида талаб ва таклиф шаклланиши экспорт ва импорт, капиталлар ҳаракатининг валюта курсига боғлиқлик механизми, эркин сузувчи валюта курси тизимига эга замонавий валюта бозорининг амал қилиши хорижий валютага талаб ва таклифнинг эластиклигини таъминлаб, бозор механизмнинг амал қилишида дастлабки қадам бўлди. Энг муҳими, бу борада ўша йили бошланган ислохотлар ҳозирги давргача тўхтагани йўқ, аксинча, янада ривожланиб борапти.

Рақамларни йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, натижалар яққолроқ кўринади. Масалан, 2018 йилда валюта бозорида талаб ва таклиф бўйича операциялар ҳажми ошгани, валюта битимлари иштирокчилари сони кўпайгани, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг яширин валюта бозоридан расмий валюта бозорига ўтиши кузатилди. Юридик шахслар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми 10,4 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Қолаверса, 2018 йил мобайнида хорижий валютани харид қилувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 2,3 баравар ошиб, январь ойида 2,2 мингтаини ташкил этган бўлса, декабрь ойига бориб 5,1 мингтага етди.

Бу даврда ҳўжалик юритувчи субъектлар экспортдан тушган маблағлар ҳамда аҳолининг трансчегаравий пул ўтказмала-

2020 йил дунё мамлакатлари учун синовли келди. Пандемия сабаб ҳаҳон иқтисодиётида пастлаш кузатила бошлади. Бундай шароитда иқтисодий кўрсаткичларни мавжуд ҳолатида ушлаб қолиш ҳам осон эмасди. Мураккаб вазиятга қарамай, юртимиз ички валюта бозорининг барча сегментлари, хусусан, амалга оширилган операциялар ҳажми ва бозор иштирокчилари сонидан ўсиш кузатилгани ижобий кўрсаткич, албатта. Бу вақтда валюта бозоридидаги операцияларнинг умумий ҳажми 19,5 миллиард долларни ташкил этиб, 2019 йилдагига нисбатан 1,3 баравар ошди. Валюта бозорида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан 6,7 миллиард АҚШ доллари сотилган, ўз навбатида, юридик шахслар томонидан чет эл валютасига талаб 12 фоиз ўсиб, 15,4 миллиард долларни ташкил этган. Биржадан ташқари валюта бозорида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш 10 фоиздан кўпроқ ўсиши кузатилган.

Ички валюта бозори 2021 йилда чет эл валютасига талаб ортиши ҳамда қўлай ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари асосида таклифнинг ҳам ўсишига олиб келди. Ўтган йил давомида ташқи савдо айланмаси жадаллашиши экспорт тушумлари ҳажмининг (олтин экспортини ҳисобга олмаганда) аввалги йилдагига нисбатан 34 фоиз ўсишини таъминлади. Ички валюта бозорида чет эл валютасига талабнинг умумий ҳажми 26,1 миллиард долларни ташкил этиб, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан таклиф 11 миллиард, банклар ва жисмоний шахслар томонидан 7,4 миллиард долларга етди.

Ўзгаришлар ортга қайтмади, аксинча...

Умуман олганда, 2017-2021 йиллар давомида ички валюта бозорида чет эл валютасининг асосий қисми ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, валютадаги кредитларни сундириш, халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва бошқа мақсадлар учун харид қилинган. Улар мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш ва қайта ташкил этиш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларни сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Тармоқда илк ва энг муҳим қадамлар ташланиб, ўтган беш йил давомида тизим такомиллаштириб борилаётгани пул-кредит сиёсатидаги катта ўтуқларимиздан бири бўлди. Энди мамлакатимизда юри-тилаётган пул-кредит сиёсатининг иқтисодиёт учун аҳамияти ва ролини ошириш, валюта бозорини янада эркинлаштиришда бозор тамойиллари ва механизми кенг амал қилишини давом эттириш зарур. Шу аснода яқин истиқболда бир қатор вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, аввало, асосий савдо ҳамкорларининг миллий валюталарга қадрсизланишининг сўйма нисбатан девальвацияон босимини қамайтириш ва валюта курси, савдо ҳамда молиявий каналларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш зарур. Иккинчидан, ички валюта бозори инфратузилмасини такомиллаштириш, валюта курси шаклланишида тижорат банкларининг ролини янада ошириш керак.

Давлат улуши юқори бўлган тижорат банкларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш, жумладан, хорижий молиявий институтлар учун кенг имкониятлар яратиш ҳам бу борадаги устувор вазифалардан саналади. Қолаверса, валюта бозорини диверсификациялаш, айрим хорижий валюталарга мутлақ қарамликни пайсатириш, бошқа чет эл валюталарни билан сўмини конвертациялаш қўламини кенгайтириш лозим.

Ўзбекистон Марказий банкининг “нейтраллик” тамойили асосида энг зарур вазиятларда валюта бозорини тартибга солиш ва интервенцияларини мақсадга мувофиқ амалга ошириш чора-тадбирларини давом эттириш, валюта операцияларида янги бозорбоп товарлар ишлаб чиқариш ва замонавий хизмат турларини жорий этишдаги инвестицион қўйилмаларга асосий устуворлик бериш, инфляцияни таргетлаш борасидаги сарф-харажатлар орқали миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳим.

Биз ўтган 5 йил мобайнида турли таҳликали вазиятлардан чиқиб кетиш борасида катта тажриба тўпладик. Шу боис, ҳозир дунёда рўй бераётган геосиёсий ўзгаришлар, ҳаҳон иқтисодиётида янги тартиблар жорий этилиши эҳтимоли юқори бўлган шароитда ҳам мақсадимизда қатъий қоламиз. Валюта бозоримизни янада эркинлаштириш, иқтисодиётимиз барқарорлигини сақлаб қолиш, юқори ўсиш даражасига эришишда самарали пул-кредит сиёсатини юритишда собитқадамлик билан иш тутамиз.



БУГУННИНГ ГАПИ

Шу йилнинг февраль ойида давлатимиз раҳбари Оролбўйига сафари чоғида ҳудудни биргаликда ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманига мамлакатимизнинг вилоятлари бириктирилганини маълум қилиб, бунинг сабаби ва аҳамиятини тушунтириб берганди: “Оролбўйида аҳвол ёмон деб кўнчилиқ гапирди. Лекин ҳамма ҳам бу ерга келиб кўрмаган. Оролнинг ҳавосидан нафас олиши, шароитни кўриб, адолатли баҳо бериши учун бу ерга бутун республикадан раҳбарларни юбордим. Қорақалпоғистон ривожига катта маблағ йўналтирамиз...”

КЕГЕЙЛИ: режалар қоғозларда қолиб кетмайди



Жумладан, Андижон вилояти Кегейли туманига бириктирилган. Эътироф этиш керакики, ўтган қисқа муддатда Оролбўйида ўз бизнесини ташкил этишга қизиқиш билдирган андижонлик тадбиркорларнинг мазкур ҳудудга бир неча бор сафарлари ташкил этилиб, ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар ижросига киришилди.

Хусусан, Жўзимбағ маҳалласи ҳудудида “Макро фарм Андижон” масъулияти чекланган жамияти томонидан 3 гектар майдонда лойиҳа қиймати 6 миллион долларлик шприц ва инфузион система ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этишга киришилди.

— Лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, бу ерда йилгига 312 миллион донга шприц ва 160 миллион донга инфузион система ишлаб чиқарилади, — дейди корхона таъсисчиси Жўратбек Қуватов. — Шу билан бирга, 200 нафар маҳаллий аҳоли бандлиги таъминланади. Маҳсулотларимизнинг ярми ички бозорга, қолгани эса экспорт қилинади. Барча бунёдкорлик ишларини жорий йил сентябрь ойига қадар якунлаб, корхона фаолиятини бошлашни режалаштиряпмиз.

100 та хонадонга бегараз ёрдам

Яқинда Андижон вилояти ҳокими Шўхрат Абдураҳмонов бошчилигидаги делегация аъзолари Халқабад маҳалласида Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги ахборот-кутубхона марказининг очилиш маросимида қатнашди.

— Курувчиларимиз томонидан ушбу кутубхона 2 ой муддатда 5 миллиард сўмлик маблағ вазига куриб битказилди, — дейди Андижон вилояти ҳокимлиги вакили Элёр Холмирозоев. — Ушбу марказ 20 мингдан ортиқ китоб билан таъминланди. Бундан ташқари, 1600 та электрон китобдан фойдаланиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, бу ердаги компьютерлар республика миқёсидаги 14 та кутубхона марказининг электрон базасига уланган.

Ушбу кутубхонага ташриф буюрганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. — Кегейли туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 9-синфда ўқийман, — дейди Шаҳноза Раҳмонбердиева. — Маҳалламизда замонавий кутубхонанинг бунёд этилиши биз учун айни муддао бўлди. Эндиликда бўш вақтларимизда дугоналарим билан бу ерга тез-тез келиб, китоблар мутлола қилмоқчимиз.

Шунингдек, андижонликлар ҳомийлигида мазкур маҳаллада 100 та хонадонга бепул иссиқхона куриб бериляпти ҳамда товуқ ва эчки тарқатилляпти.

Андижон вилоятининг 16 та тумани Кегейлининг 16 та маҳалласига бириктирилган бўлиб, айнан ушбу ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Фаровонлик манбаи

— Туманимизда бугунги кунга келиб, аҳоли сони 73 462 кишини ташкил этади. 13 476 хонадонда 16 185 оила истиқомат қилади. Шундан ишсизлар сони 2938 нафар. Уларнинг 75 нафари “Темир дафтарга”, 1336 нафари “Аёллар дафтери”га ва 593 нафари “Ёшлар дафтери”га киритилган.

Бу фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида маҳаллабай ишлаш тизими орқали Андижон вилояти билан ҳамкорликда ижобий ишларни бошладик, — дейди Кегейли тумани ҳокими Даулетбай Утемуратов. — Деҳқончилик, иссиқхона, чорвачилик, паррандачилик ва хизмат кўрсатиш соҳалари маҳаллаларимиз учун драйвер ҳисобланади.

Оилалари қўшимча даромад билан таъминлаш мақсадида 153 та хонадонга 100 тадан парранда, 251 та хонадоннинг ҳар бирига 5 тадан қўй ва эчки, 90 та хонадонга ҳар бири 2 сотихли иссиқхона, шунингдек, 26 хонадонга қурқ, 10 та хонадонга асалари берилди.

— Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари билан бирга барча хонадонларни хатловдан ўтказдик ва ўрганишлар асосида манзилли дастурлар ишлаб чиқилди, — дейди маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича Андижон вилояти ҳокимлигининг бошқарма бошлиғи Акмалжон Туланов. — Уларини 4 тоифага бўлдик. Биринчи тоифага даромади кам, ишсизлар, ўз ишини бошлашга қизиқиши катта, шунингдек, даромад топишга, қасб ўрганишга ҳаракат қилаётган хонадонлар кириди. Иккинчи тоифага доимий даромадга эга, лекин қўшимча даромад топиш истиги бор хонадонлар, учинчи тоифага эса ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларни киритдик. Тўртинчи тоифадагилар ўзига тўқ хонадонлар. Бундан ташқари, хорижда юрган юртдошларимиз ҳам хатловдан ўтказилди.

“Қумшунгул” — тумanning энг олис ҳудудларидан бири. Ушбу овул фуқаролар йиғини Кўргонтепа туманига бириктирилган.

— Маҳалламизда ободонлаштириш ишлари авжида. Ёшлар учун спорт майдончалари куриб битказилди. Қўчаларимиз текисланган, овулимиз кун сайин чирой очмоқда, — дейди шу маҳаллада яшовчи Елмубай Наримбетов.

Кегейли туманида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 97 нафар ёшга кредит ажратиш кўзда тутилган.

— Кегейли туманидаги ҳар бир маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари билан аҳоли ўртасида хонадонбай иш олиб бориш натижасида тизимли ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Андижон вилоятидаги ташкилотлар, тижорат банклари, халқ таълими, қишлоқ ҳўжалиги, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан тақдирот вақтида кўрсатилган режалар фақат қоғозда қолиб кетмайди, — дейди Андижон вилояти ҳокимлиги котибият мудири Аббор Аҳмадалиев. — Аниқ белгиланган муддатларда амалга оширилади. Бунинг учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, янги Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қуни янгиланшилар ва улкан ўзгаришларга бой бўлмоқда. Зеро, бу ўзгаришларга кегейлилик аҳоли нафақат гувоҳ бўляпти, балки унинг иштирокчисига ҳам айланаяпти.

МИНАЖАТДИН ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz_uz_news

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ҲАМҚАДАМ ФИЛИАЛ

ИЛМ-ФАН

Абдураззоқ МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
Навоий бўлими раиси,
геология-минералогия фанлари доктори, профессор



Мамлакатимизда илм-фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, иқтисодий манфаатдорлиги юқори бўлган лойиҳа ва ишланмаларни тижорийлаштириш кун тартибидagi масалалардан. Бу борада бажарилган ишлар бўлами йилдан-йилга кенгайиб, айни пайтда ўз самарасини бермоқда. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлими фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Навоий вилоятидаги инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали иқтисодиётнинг реал секторлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этапти.

Ўтган даврда Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари билан бирга учта инновацион, иккита амалий ва биттадан фундаментал ва тижорийлаштиришга таъйирлаш лойиҳалари ҳамда иккита хўжалик шартномаси бўйича ишлар бажарилди.

Авалло, марказий Қизилқумнинг бойитилмаган фосфорит рудасидан экстракцион фосфор кислотасини олиш технологияси ишлаб чиқилган фаолиятимиздаги катта ютуқлардан бўлди. Натияжада таркибида 20 фоиз фосфор пентоксиди бўлган қуйирилмаган фосфоритдан экстракцион фосфор кислотасини олиш имконини қўлга киритдик. Ушбу кислота минерал ўғит ва туз ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида салмоқли аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа доирасида соф диқалсий фосфат туздан тозаланган фосфор кислотаси ва тиббий гипс ҳам олинди.

Дунёда фосфоритга талаб йилга ўнлаб миллион тоннани ташкил этади. Шунинг учун фойдали компонентлар миқдори ўрта даражалиси билан ҳам фосфоритли янги конларни ўзлаштириш истиқболли ҳисобланади. Бу борада Навоий вилоятидаги Қарақата конининг “Азнек” майдонини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, мазкур майдонда фойдали қазилмани қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнида Фанлар академияси Навоий бўлимининг ҳам ҳиссаси бор.

Айтишга арзирли ишларимиздан яна бири доломитни комплекс қайта ишлаш орқали магний оксидининг миқдори 70-80 фоизга етказилди. Ҳозир юртимизга қиймати 10 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда импорт қилинаётган магнетит, брустит ўрнини босувчи махсулот лаборатория шариоитида олиниб, саноат синовидан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, олинган магний оксидидан хомашё сифатида фойдаланиб, оловга чидамли магнетизал махсулот ишлаб чиқарилди. “Бекобод-Оннеуор” МЧЖ ҚҚ томонидан ишлаб чиқариш шариоитида синовдан ўтказилди.

Вауш конида доломит, бентонит ва кварц қуми қатлам-қатлам бўлиб жойлашган. Шунинг учун уларни комплекс ўзлаштириш истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Бу жараён аниқ маълумотларни олиш, замонавий технология ва усуллардан фойдаланган ҳолда геологик қидирув ишлари ўтказишни талаб қилади.

Фанлар академиясининг Навоий бўлими муассислигида ташкил этилган “Qizilqum istiqbollar” МЧЖга яқинда “Вауш” доломит ва қўшимча бентонитли гипс ҳамда кварц қумли майдончасини геологик ўрганиш мақсадида нурда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия берилди. Айни пайтда ишлар бошланиш арафасида.

Шуни инобатга олиб, инновацион пульсацион колонна ёрдамида суткасига 500 тоннагача қумни бойитиш фабрикаси лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу усул қум зарралари юзасини лойли қоплама ва темир оксидидан юқори даражада сифатли тозалаш имконини беради. Яқинда унинг кичик ҳажмли тажриба ускунаси тайёрланди. Тез кунларда тажриба ишлари бошланади. Уни графит рудасини бойитиш учун ҳам ишлатиш мумкин.

Кейинги инновацион лойиҳа курумни тозалаш йўли билан товар даражасидаги техник углевод олиш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган. Тадқиқотлар учун хомашё сифатида “Navoiyazot” АЖДА метандан ацетилен олиш жараёнида иккиламчи махсулот сифатида ҳосил бўладиган курум танланди.

“Бентонит гилидан фойдаланиб қобикланган (капсулаланган) чигит уруғини ишлаб чиқариш ва пахтачиликда жорий қилиш” инновацион лойиҳаси доирасида чигитни бентонит гили қуқуни билан қобиклаб экиш услуби ишлаб чиқилди ҳамда Навоий, Сурхондарё, Тошкент ва Наманган вилоятларининг пахта майдонларида синовдан ўтказилди. Натияжада ғўза ниҳолларининг муддатидан 2-3 кун олдин униб, соғлом, бақувват ўсиши ҳамда ҳосилдорлик 10-15 фоиз ошишига эришилди. Ушбу тадқиқот ва тажриба ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

Ўтган йили кузги бўғдойнинг ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига бентонит гили қуқунининг таъсирини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилди. Бугуннинг дурдона нави уруғини бентонит гили

қуқуни билан қобиклаб экиш, баргидан бентонит ва минерал ўғитли суспензия билан озиклантириш бўйича илмий изланиш олиб борилганда 31,6 фоизгача қўшимча ҳосил олишга эришилди.

Шунингдек, “Қишлоқ хўжалиги экинларини баргидан озиклантиришда Россиянинг “Sila kremniya Agro tex” корхонасида ишлаб чиқарилаётган нанокремний препараты ҳамда бентонит гили суспензиясини қўллашнинг ҳосилдорлиққа таъсири” мавзусида тадқиқот олиб борилди. Солиштириш натижалари нанокремний препараты ва бентонит гили суспензиясининг экин ҳосилдорлигини оширишдаги фаоллиги деярли бир хил бўлганини кўрсатди. Афзаллиги бентонитдан фойдаланиш нанокремнийга қараганда қарийб 10 баробар арзонга тушади.

Фанлар академиясининг Навоий бўлимида халқаро илмий алоқаларни ривожлантириш, хорижий ва юртимиздаги илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Бўлим бугунга қадар етмишдан ортиқ ҳамкорлик меморандуми ва келишувни имзолаган. Мисол учун, Россиянинг “Salus” компанияси билан 2018 йили имзоланган меморандум асосида “SALUS-NAVOI” Ўзбекистон — Россия қўшма



“**Жорий йилнинг март ойи бошида Болгариядан 2 минг туп павловния дарахти қаламчаси ва минг туп кўчати келтирилди. Режага кўра, жорий йилда Нурота туманида олимлар билан фаол ҳамкорлик қилаётган “Умрбек” фермер хўжалигида томчилятиб сўғориш технологиясини қўллаган ҳолда бир гектар майдонда павловния плантацияси яратилади. 15 сотих ерга 2000 туп павловния қаламчаси қадалиб, кўчатзор ташкил этилади.**”

корхонаси Навоий вилояти Кармана туманида давлат рўйхатидан ўтказилди. Ушбу қўшма корхонанинг истиқболли дастурида мамлакатимизнинг бир қатор вилоятларида қишлоқ хўжалиги махсулотларига ноқимёвий ишлов беришга ихтисослашган илмий ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш кўзда тутилган. Лойиҳанинг самарали бажарилишида Россиянинг “Теклеор” ва “Теокротекс” компаниялари ҳам 3 миллион АҚШ доллари қийматидаги ускуна ва технологиялари билан тўғридан-тўғри инвестиция киритиш асосида қатнашмоқда.

Нурота туманидаги лалми ерда павловния плантациясини барпо этиш режалаштирилган. Ўзбекистон, Болгария, Хитой ва Россия вакиллари иштирокида бир хил шариоитда, битта майдонда иккита плантация яратиш кўзда тутилмоқда. Бу жараёнда

бир вақтнинг ўзида Европа ва Хитой технологиясини қўллаган ҳолда, Болгарияда ва Хитойнинг Шандон провинциясида етиштирилган кўчатлар экилиб, икки хил технология асосида парваришланади. Муассасамиз олимлари ушбу дарахтларнинг юртимиз шариоити, иқлимига мослашувини ўрганиб, дарахтлар ўсувчанлигига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилади.

Жорий йилнинг март ойи бошида Болгариядан 2 минг туп павловния дарахти қаламчаси ва минг туп кўчати келтирилди. Режага кўра, жорий йилда Нурота туманида олимлар билан фаол ҳамкорлик қилаётган “Умрбек” фермер хўжалигида томчилятиб сўғориш технологиясини қўллаган ҳолда бир гектар майдонда павловния плантацияси яратилади. 15 сотих ерга 2000 туп павловния қаламчаси қадалиб, кўчатзор ташкил этилади. Бутун плантация бўйлаб қуёш энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган видеокамералар ўрнатилиши режалаштирилган. Бу эса дарахтларнинг ўсишини онлайн кузатиш ва зарур агротехник тадбирларни бажариш имконини беради.

2023 йилдан бошлаб Нурота полигонининг бир қисмида тажриба тариқасида экилиб брикетти, иккинчи қисмида баргидан чорвачилиққа ем-хашак олиш мақсадида павловния дарахти экилади. Учинчи қисми кўчатзор учун ажратилади. Асосий майдондан эса қурилишбоб қимматбаҳо ёнорлиқ режалаштирилмоқда. Шунга кўра, келгусида плантация яқинида тегишли цехлар барпо этилади ва буларнинг барчаси маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кластерини ташкил этишга асос бўлади. Ижобий натижалар ушбу тажрибани мамлакатимиз бўйлаб кенг жорий этиш имконини беради.

Келгусида юртимиздаги касбий кўникма орттиришга иштиёқи баянда сажиз нафар ёшлари олти ойга Болгариянинг “Pawlownia BC” компаниясига қарашли павловния плантацияларида ишлаб, дарахтларни Европада технологияси асосида парваришlashни ўрганиш учун юбориш режалаштирилган. Бу жараёнда стажировкага юборилаётган нуроталик ёшлар учун зарур барча молиявий харажатлар, шунингдек, тиббий суғурта Болгария томонидан қопланади. Бундан ташқари, стажировка ўташ вақтида ёшлар павловния плантациясида бажарган ишлари учун муносиб маош олади ва уни тўғридан-тўғри оилаларига юбориш имкониятига эга бўлади.

Энг муҳими, улар Болгарияда олган билим, тажриба ва кўникмасига таяниб, келгусида замонавий агротехнологиялардан фойдаланган ҳолда, Нурота туманида павловния дарахти плантацияларини барпо этиш бўйича малакали мутахассис сифатида ишлаши мумкин.

Хитойнинг “TIANYE” компанияси муассасамиз билан бирга Навоий вилояти лалми тоғолди ерларидаги 350 гектар майдонда томчилятиб сўғориш ва “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологиясига асосланган кўргазмали парк ташкил этиш ҳамда Ўзбекистонда сув тежовчи томчилятиб сўғориш технологияси учун зарур бўладиган ускуналар ишлаб чиқарадиган завод қуришни режалаштирмоқда.

2018 йили Фанлар академияси Навоий бўлими ҳамда “Электротехнология” ҚҚ АЖ ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум асосида завод ҳудудида “тажриба-ишлаб чиқариш полигони” ташкил этилди ҳамда ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги учун маҳаллий хомашёдан тайёрланган, импорт ўрнини босувчи “Калий-УМ”, “ЛГМК” пастаси, “Текстар” комплекси, “ЭпСМик” ўсимлик стимулятор-регулятор, бентонитли оптингурут ва “СИП-70” суспензияли инсектицид препаратини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2018-2019 йилларда мазкур препаратлар Навоий, Хоразм, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидаги пахта майдонларида тажрибасиновдан ўтказилиб, ҳосилдорлик ўртача 15 фоиз ошгани қайд этилди.

Ўтган йили ноябрь ойидан “Наслдор қоракўл қўларининг геномини ўрганиш асосида генодиагностика усулларини ишлаб чиқиш” мавзусида бир йиллик ва “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда бентонит гилидан фойдаланган ҳолда сўғорма сувни тежашнинг илмий асосланган агротехнологияларини ишлаб чиқиш” мавзусида 3 йилга мўлжалланган амалий мегалойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, “Нефть-газ қудуқларини бурғилаш учун иккиламчи махсулот ва маҳаллий материаллар асосида иқтисодий самарадор полимер композицион материаллар яратиш” лойиҳаси муассасамиз ходимлари иштирокида “Qizilqum istiqbollar” МЧЖ орқали бажарилмоқда.

Юртимиздаги 110 дан ортиқ фойдали қазилма конининг 50 фоизга яқини Навоий вилояти ҳудудида жойлашган. Уларнинг аксарият захираси прогностланган бўлиб, захирани тизимли геология қидирув ишлари орқали ҳисоблаб чиқиш ва давлат ерости бойлиқлари захираси рўйхатига киритиш лозим. Шундан кейингича бу конларнинг инвестициявий ҳозирдорлиги ортади ва инвесторларни жалб қилиш имконияти кенгайди.

Шунинг учун Қизилқум ҳудудидаги фойдали қазилмаларни комплекс ўрганишга йўналтирилган геологик тадқиқотларни тезкор ва ишончли ўрганиш мақсадида Навоий бўлими қўшида давлат-хусусий шериклик асосида мобил геология қидирув гуруҳи ташкил этилиши режалаштирилган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

КАТТА СИНОВ БЎСАҒАСИДАГИ ЎЙЛАР

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори,
профессор



Шарқ гавҳари деб ном олган Самарқанд шаҳри азалдан илм-маърифат бешиги бўлиб келган. Бу заминдан жаҳон илм-фани тамаддунига муносиб хисса қўшган буюк алломалар, мутафаккирлар етишиб чиқганини дунё илм аҳли бир овоздан эътироф этади. Юртимиз тарихида ўтган икки Ренессанс пайтида бу шаҳарга жаҳоннинг қўллаб-даватларидан одамлар маърифат истаб келгани ҳам тарихий ҳақиқат.

Азим шаҳарнинг ўтмиши ва буюк алломалари, ҳудудда ривожланаётган илм-фан ҳақида фикр юритар эканмиз, бугун юртимиз заминидан пойдевори қўйлаётган Учинчи Ренессанснинг юзга келишида ҳам Самарқанд муҳим вази-фани ўтайди, дейишга асосимиз бор. Сўнгги беш-олти йилда эълон қилинган таълим тизимини ислоҳ қилишга доир қатор фармон ва қарорлар айнан мана шу қадимий шаҳардаги илм-фан мактабларини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилгани мана шундай ҳулоса чиқаришга изн беради.

Ўзбекистон Республикаси олий тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар самараси ўлароқ, юртимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш, ёшларни билимли ва малакали, жаҳон талабига мос мутахассислар этиб тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Олий таълимга қамровни янада кенгайтириш мақсадида пойтахтимиз ва барча вилоятларда қатор олий ўқув юр-лари ва уларнинг филиаллари ташкил этиляпти. Шу ўринда хорижий етакчи олий

таълим муассасалари филиалларининг мамлакатимизда очилаётганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.

Бугун таълимдаги мана шу ислохот ва янгиланишлардан Самарқанд аҳли ҳам баҳраманд бўляпти. Сўнгги беш йилда вилоятдаги олий таълим муассасалари 7 тадан 12 тага етди. Жумладан, Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети Самарқанд филиали, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, “Ипак йўли” туризм халқаро маданий мерос университети, Самарқанд давлат университети Ўзбекистон — Финляндия педагогика институтини, Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Нарпай ва Пайариқ туманлари факультетлари ташкил қилинди.

Самарқандда мавжуд барча олийгоҳларнинг моддий-техник базасини замон талаблари даражасига етказиш, сифатли кадрлар тайёрлаш, фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг етук илмий са-лоҳиятга эга бўлиши учун барча имконият яратиб берилмоқда. Шу ўринда Самарқанд

давлат университетининг Алишер Навоий илмий-амалий музейи, геология ва зоология, тарих музейлари ва ботаника илмий иссиқхонаси, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети зооинженерия факультетининг асарчилик, балиқчилик ва паррандачилик кафедраси ўқув лабораторияси, ветеринария профилактикаси ва даволаш факультетининг анатомия музейи ҳамда қайноқлар сақланадиган виварийси, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг замонавий ўқув бинолари, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг барча шарт-шароит, энг замонавий лаборатория-ларга эга 800 ўринли янги ўқув биноси қаби-ларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг бу йил 1 апрелдаги “Самарқанд давлат тиббиёт университети ташкил этиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори на-фақат вилоят, балки юртимиз миқёсида тиббиёт ходимларини тайёрлашда муҳим

аҳамиятга эга тарихий воқеа бўлди. Унга биноан, Самарқанд давлат тиббиёт инсти-тутини мамлакатимиздаги тиббиёт соҳаси бўйича биринчи тиббиёт университетига айлантирилди. 90 йиллик шарафли тарихга эга бўлган ўқув муассасамиз ўтган давр мобайнида 40 мингдан ортиқ шифо-кор, илмий ходим, фан арбоблари, акаде-миклар, жамоат ва давлат арбобларини тайёрлаган.

Мазкур меъёрий ҳужжат юқори мала-кали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини қучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли сало-матлигини муҳофаза қилиш, реабилито-логия ва спорт тиббиёти соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича илмий тад-қиқотларни тизимли олиб бориш ҳамда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Ушбу тарихий қарор билан Самарқанд вилоятдаги Абу Али ибн Сино номида-ги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари университетга бириктирилди. Тиббий таълим соҳасида университет лицейи, тиббиёт коллежи ва техникумларини ўз ичига олган таълим кластерларининг пайдо бўлиши келгусида соҳанинг ўрта бўғини учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш билан бирга, олий тиб-бий маскан учун иқтидорли ёшларни тан-лаш имконини ҳам яратди.

Университетнинг ўқув жараёни келгу-сида мазкур техникум ва коллежлардаги таълим ва амалиётга интеграция қили-ниб, улардаги ўқитиш, кадрлар тайёрлаш сифатини юқори босқичга кўтаришга ёр-дам беради. Олийгоҳимиз ушбу муасса-салардаги таълим самарадорлиги учун бево-сита масъул бўлиб, уларнинг зарур

моддий-техник, ўқув-методик базасини шакллантиради, ўқув жараёнига тажриба-ли мутахассисларни жалб этади. Техни-кум ва коллежларда фаолият юритаётган ўқитувчиларга илмий-методик жиҳатдан қўмаклашади. Университет клиникалари ўрта махсус таълим муассасалари учун клиник база бўлиб хизмат қилади. Кафе-дралари ўз йўналишида техникум ва кол-лежларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини киритади, ўқитувчи-лар ва ўқувчиларнинг билимини баҳолаб боради.

Самарқанд давлат тиббиёт универси-тети кафедраларини вилоятдаги туман (шаҳар)ларга бириктириш орқали худуд аҳолиси учун тиббий хизмат кўрсатиш им-конияти янада кенгайди. Талабаларнинг ўқиш жараёнини амалиёт билан уйғун олиб бориши баробарида, тиббиётнинг бирламчи тизимида даволаш ва диагнос-тика, касалликларнинг олдини олиш, аҳо-лининг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Олийгоҳимизнинг университетга айлан-тирилиши шиддат билан ривожланаётган жамиятимизда келгусида халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган қуч-ли тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва ма-лакасини ошириш, битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъ-минлаш масаласида ҳам тиббиёт муас-сасалари билан кенг ҳамкорлигини йўлга қўйиш имконини яратди.

Бугун юртимиз олий таълим муасса-саларида хорижий мамлакатларнинг ну-фузли университетлари ҳамкорлигида янги йўналишлар, қўшма факультетлар очилмоқда. Жумладан, университети-мизда ҳозир Россия Федерациясининг Приволжск тадқиқот тиббиёт универси-тети, И.Ульянов номидаги Чуваш давлат

университети, Саратов давлат тиббиёт институтини, Украиннинг Горбачевский но-мидаги Тернополь миллий тиббиёт уни-верситети, Польшанинг National Louis University олий бизнес мактаби билан қўшма ўқитиш дастурлари асосида хал-қаро таълим факультетида 260 дан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Мазкур бакалаврият таълим дастур-лари билан бир қаторда, универси-тетимизда Я.Горбачевский номидаги Тер-нополь миллий тиббиёт университети билан олий ҳамширалик иши, Польша-нинг National Louis University олий бизнес мактаби билан соғлиқни сақлаш мене-менти ҳамда Беларусь давлат тиббиёт университети билан қатор клиник мута-хассисликлар бўйича қўшма магистрату-ра ва клиник ординатура таълим дастур-лари йўлга қўйилди. 2021 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг “ERASMUS+” ака-демик дастури доирасида умумий қий-мати 2 миллион еврони ташкил этувчи иккита халқаро академик грант лойиҳаси, шунингдек, АҚШнинг “Smile Train” амалий гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасида илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар-нинг асосий мақсади университетдаги таълим жараёнини халқаро стандар-тларга мослаштириш ҳамда бажарилаёт-ган илмий ишларнинг халқаро даражада эътирофига эришишдан иборат.

Президентимиз қарори билан инсти-тутнинг университетга айлантирилгани бугун ёш авлод қамолотига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг, мамлакатимиз тиббий таълимига юксак ишончининг ёр-қин намунаси бўлди. Бу эътибор туфайли ўқув муассасаси нафақат юртимиз, балки дунё илм-фани ривожига муносиб хисса қўша оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун катта синов бўсағасида ту-рибди. Ўйлаймики, ушбу шароит ва ўта масъулятили синовдан университетимиз жамоаси ўз меҳнати ва илмий-педагогик салоҳиятини қўллаб, ёруғ юз билан ўта олади.



КИТОБХОН МИЛЛАТ

Мен шунга аминман — китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭЗГУЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ



Сайёра ТҲҲИЕВА,
“Ёш китобхон” танлови
ҳакамлар ҳайъати
аъзоси, шоира

Ватан равнаки илмдандир. Илм юксалган юртда фан ютуқлари барча соҳаларга кириб боради. Илмий изланишлар, кашфиётлар, тадқиқотлар мамлакатни, миллатни дунёга танитади. Илм мўъжизаси халқни буюк мақсадлар сари бошлайди. Барча китобхон ёшларнинг келгусида Ўзбекистон илму маърифатини юксалтиратган зукко олим, таниқли ёзувчи, ҳассос шоир — миллатнинг фидойи зиёлиси бўлиш орзулари рўёбини кўрсак, не бахт!

Энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олган маърифат байрамлари

Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, давлат раҳбари илгари сурган беш муҳим ташаббус доирасида аҳоли, айниқса, ёшлар мутлола маданиятини юксалтириш, китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ёш китобхон” республика танлови ўтказила бошланган илк пайтларда бу тадбирларни расмийлаштириш учун қабул қилганлар кўп бўлди. Шундан, вақт ўтгани сайин халқимиз ўзи унутта бошлаган миллий ва маънавий қадриятлар қашмасини қанчалар соғинганини ҳис қила бошлади. Айниқса, танловнинг республика босқичи ҳақиқий маърифат байрамига айланиб улгурди.

“Ёш китобхон” танлови ўтган беш йил мобайнида бутун мамлакат ёшларини қамраб олиб, энг чекка ҳудудларда ҳам китоб, адабиёт ихлосмандлари муносиб баҳоланаётди.

Қадим юртимизнинг шарафли сўз салафлари — буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг умумбаъшарий цивилизация, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, уларнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат бажо келтириш, китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган маз-

кур танлов ҳар йили уч босқичда ўтказилади.

Уч ёш тоифасида: 10-14 ёшдаги, 15-19 ёшдаги, 20-30 ёшдаги китобхонларнинг аризалари онлайн ва анъанавий тарзда қабул қилинади. Биринчи — шаҳар, туман босқичида 50 та тест саволига жавоб бериб, иккинчи — Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичига йўланма олган иштирокчилар танловнинг “Бадий асарлар билимдони”, “Тезкор савол-жавоб”, “Эркин мавзу” сингари шартларини бажаришлари лозим. Муайян балл тўплаб, республика босқичининг “Бадий асарлар билимдони”, “Тезкор савол-жавоб”, “Буюк мутафаккир ва адиб”, “Шеъриния”, “Эркин мавзу” шартларини бажарадилар.

Биринчи ўрин соҳиблари Президент совғаси — “Спарк” автомашинаси, иккинчи ўриндагилар бу йил 50 миллион сўмдан (аввалги йилларда 30 миллион сўмдан, компьютер жамланмалари), 3-ўрин эгалари 30 миллион сўм (ўтган йилларда 15 миллион сўмдан, 200 донна китоб жамланмалари)дан пул мукофотлари олади. Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи “Ёшлар кутубхонаси” руқий остида чоп этилган китоблар жамланмалари ва қатор ҳомий ташкилотларнинг махсус мукофотлари, ун миллион сўмдан пул мукофоти топширилгани ҳам китобхонлиқни рағбатлантирувчи муҳим омил бўлмоқда.

Мустақил фикрланг, ўзингизни ҳимоя қилинг!

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар — Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёшлар иттифоқи, Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан биргаликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови 2017-2021 йиллар давомида 3 миллиондан ортиқ ёшни қамраб олди. Бу даврда танловнинг республика босқичида 196 нафар ёш иштирок этди.

Юксак билим ва қобилиятли ёшлардан ўн тўрт нафари — Тошкент шаҳри ва вилоятдан Шоҳсанам Холбоева, Мафтуна Умарова, Севинч Авазова, Отабек Эшпўлатов, Қашқадарё вилоятдан Сурайё Шодиева, Самарқанддан Моҳиниса Шомуродова, Махлиё Ўроқова, Фарғонадан Шарофат Исмоилова, Мухаммадфозил Исмоилов, Қорақалпоғистон Республикасидан Нурсулвн Коканова, Шаҳзода Каримбоева, Андижондан Фотимахон Мамталиева, Бухоро вилоятдан Муҳлиса Насимова, Сирдарё вилоятдан Ёрқин Хайитбоев

бош соврин — “Спарк” автомобиллини қўлга киритдилар.

Мазкур маърифат танлови ёшларимизни катта саҳналарда ўз мустақил фикрини, таҳлил муқоясалар асосида ўз позициясини дадил ҳимоя қила олиши учун замин яратгани рост. Зотан, мамлакатимизда бирор танлов бу қадар катта аудитория йиға олган эмас.

Тўртқўл туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳзода Каримбоева, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Моҳиниса Шомуродованинг Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлгани, Пахтачи тумани 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси Махлиё Ўроқова, Оққўрғон туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шоҳсанам Холбоевнинг “Келажак бунёдкори” медали, Олтинқўл туманидаги 35-умумтаълим мактаби ўқувчиси Фотимахон Мамталиеванинг “Шуҳрат” медали билан тақдирлангани китобхон ёшларнинг меҳнати, иқтидори қизгин қўллаб-қувватланаётганига ёрқин мисолдир.



Кўҳна қадриятларимиз ёдга тушмоқда

Мард майдонда синалади. Қизгин беллашувлар мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, кентининг шарафини ҳимоя қилаётган 10-14 ёш тоифасидаги ўнлаб қорақўзларни бир-бири билан дўстлаштирди, яқинлаштирди.

Масалан, Ибройим Юсупов номидаги мактаб-интернат ўқувчиси Айнура Алимжонованинг қорақалпоқ адабиёти ҳақидаги ўзига хос бегубор мушоҳадаси, бадий гимнастикага оид теран мулоҳазалари, қорақалпоқ халқининг қадимги қадриятларидан жўшиб ҳимоя қили-

шини эшитиб, беихтиёр китобнинг кудратидан ҳайратланасиз.

Дунёда инсон учун икки нарсга муқаррам ва муқаддас — бири нон бўлса, иккинчиси китоб эканига, нон инсон танасига куч-қувват берса, китоб маънавий кудрат тимсоли саналишига имонингиз қомил бўлади. Бу болаларга ҳеч ким ўргатмаган, ҳеч ким ёдлатмаганига, ич-ичидан, самимий, бегубор ташбехлар тилига оқиб келаётганига ҳавасингиз келади.



Оналар — қалбимиз кўрғони, зеҳнимиз чироғи

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани 50-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси Мукамбар Муҳимжонованинг сўзларини тинглар экансиз, “Миллатнинг биринчи тарбиячилари оналардир”, деган ҳикмат бежиз айтилмаган экан-да, деб ўйлаб қоласиз.

— Танловда икки ўғлим қатнашди. Кичиги Мухаммадфозил республика босқичида Президент соврини — “Спарк” машинаси билан тақдирланди, катта ўғлим Фарғона вилоятида биринчи ўринни эгаллади. Сабаби, болаларимнинг тиши чиққанидан бошлаб китоб ўқиймиз, ҳар битта бадий асарни оилавий муҳокама қиламиз. Мазкур танловнинг ташкилий жиҳатлари — болаларнинг оқатла-нишидан тортиб ётоғига, ота-оналари учун яратилган қулайликларгача кўнгилнигизга хузул бағишлайди. Иштирокчилар жавобларини, таҳлилларини тўғридан-тўғри телеэкранларда биз ҳам, устозлари ҳам кўриб турдик. Ҳақиқий мусобақа, ҳаққоний баҳолаш тизими, ҳақли эътирофлар ва эътирозлар танлов нақадар адолатли ва шафқат эканининг ёрқин белгисидир. Болаларимизга адолатли йўл билан, иқтидорига яраша имконият ва рағбат берилаётди.

Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтайдди, болаларининг китоб ўқишига шароит яратган, ғолиблиқни қўлга киритган фарзандларига фахр билан термулиб турган оталарни кўриб, кўнгилнинг ёришади, улугларнинг саводхон болаларни билимдон ота-оналар тарбиялайди, деган ҳикмати ёдга келади.

Ота касби ўқитувчилик бўлган Шарофиддин Аллажонов, ўзи қурувчи бўлса-да, темурийлар маърифати ҳақида жўшиб сўзлаган Равшан Йўлдошевнинг китобхонлик танловлари борасидаги фикр-мулоҳазалари, инглиз тили ўқитувчиси Гулшод Бойқобилова, уй бекаси Санам Қурбонназарованинг фикрларидан зиёли ота-оналар миллатнинг йўлчиқларини сингари нафақат болаларининг йўлларига, балки уларнинг кўнгли-ларига ҳам меҳру зеҳн чирокларини ёқиб турадилар, деган ҳикматга ишонгиси келади одамнинг.

Зеҳни ўткир шоғирдларининг адабиётга, сўзга ҳурматини янада оширмоқни ўз умри мазмунига айлантирган азиз устозларнинг қувонч тўла сўзлари китобни севиш, китобдан авайлаб фойдаланиш сингари мунаввар амалларнинг ёрқин йўлларини ёритиб юборгандек.

Жарқурғонлик она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нодира Усмонова, Термиздаги мактаб кутубхонаси — Аҳборот ресурс маркази ходими Фотида Жумаева, Музработ туманидаги 55-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт ўқитувчиси Муборак Султонова тўрт нафардан шоғирдини вилоят босқичи ғолиблик шоҳсупаларида кўриб фахрланган бўлсалар, не ажаб.

“

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар — Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёшлар иттифоқи, Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан биргаликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови 2017-2021 йиллар давомида 3 миллиондан ортиқ ёшни қамраб олди. Бу даврда танловнинг республика босқичида 196 нафар ёш иштирок этди.

Ҳақиқат қиёсда билинади

Болангизга китоб ўқишни ўргатинг, қолган ҳаммасини китобнинг ўзи ўргатади, дея бежиз таъкидламаган буюқлар. Учинчи Ренессанснинг ҳақиқий драйверлари ҳисобланмиш фаолларимиз, сафдошларимиз келажаги, мамлакат тараққиёти йўлида янада янги марраларни қўзлайдилар.

Зотан, ёрқин келажакка фақат илму фан орқали борилади. Муаззам адабиёт қарвонини ёруғ манзиллар сари етаклаётган, бу қарвонларнинг бекатларини меҳр чироклари билан ёритаётган, қарвонларнинг зиёларини халққа етказишга қамарбаста бўлиб турган мамлакат раҳбариятининг мардона меҳнати барчамизга ибратдир.

Биргина танлов бутун бир мамлакатнинг минглаб оилаларига фазл олиб киргани, танловнинг ҳар бир босқичидан ўзгача руҳ ва кайфиятда уйига соғва ва устозларининг меҳр тўла тилаклари билан кириб борган фарзандларимизнинг юзларидаги табассум ва ифтихор янги Ўзбекистоннинг порлоқ ва нузли қадамлари бўлиб тарихда қолиши, шубҳасиз!

Янги Ўзбекистон маданий сиёсатидаги ёрқин воқеалар, ислохотлар тадрижи Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини илгари



Жумла олам жонига жондир илм...

Қурик-танловнинг 15-19 ёш тоифасидаги беллашувларида Оқдарё тумани 48-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулсанам Абдулҳакимованинг мутлола борасидаги самимий фикрлари, ўзбек ва жохон адабиёти дурдоналарига берган шоирона таърифлари, Денов туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Шоҳсанам Ҳазратқулованинг онага, Ватанга, элу юртга эҳтироми ифодаси бўлган шеърини сатрлари, Хива шаҳридаги 121-қўзи оқизлар мактаб-интернати ўқувчиси Умиджон Қўтлимуродовнинг бениҳоя кучли хотира ва зеҳн билан адабиёт ва китобга берган зукко таърифларига тан бермай иложингиз йўқ.

Ўқорида қузатганларимиз Жалолиддин Румийнинг “Хотами мулки Сулаймондир илм, Жумла олам жонига жондир илм”, деган ҳикматларини эсга солади. Зиёли инсоннинг суянчиги китоб эканини яна бир қарра тасдиқлайди. Мана, бугун тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунлар, билимга ташналик ҳозиржавоб, доно болаларни бутун мамлакатга танитди.

“Ёш китобхон” танловининг 20-30 ёшлилар ўртасидаги қизгин мусобақалари Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий сингари улўғ мутафаккирлар, Жек Лондон, Лев Толстой, Чингиз Айтматов сингари хориж ва қардош адабиёт вакиллари, Саид Аҳмад, Ёрқин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф, Сирожиқдин Сайлид, Исрадон Султон, Эшқоқил Шукур каби замонавий адабиётимиз дарғалари асарларининг моҳирона таҳлили ва китобга дўстона муносабатнинг сурури қўриқчилари билан давом этди. Оловқалб ёшлар ортидан миллионлаб ўзбекистонлик тенқурлари эргашаётгани буюк Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”, деган пурҳикмат сўзларининг амалдаги исботидир.

сураётган маърифатпарвар халқнинг бугунги кундаги кайфияти, “Инсон қадри учун” ғоясининг амалдаги исботи ушбу фазийиб танловларда баралла кўринмоқда. Мирзо Бедилнинг “Илм инсоният ҳавҳаридир”, деган ҳикмати, бизнингча, илмни, китобни, мутлола қадрлаганлар ҳаётида йўлчиқар бўлиб порлаб туради.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ушбу нуфузли танловда фахрли ўрин эгаллаган энг билимдон ёш китобхонларни таниқли олим, академиклар иштирокидаги маҳорат дарсларига таклиф қилиш, Адиблар ҳиббондаги маърифат дарсларида иштирок этишига имкон яратиш, улар орасидаги ёш ижодкорларнинг шеър, ҳикоя, таржималаридан иборат тўплам нашр этиб бориш ишлари йўлга қўйилса, нур устига нур бўларди.

Китобхонлиқни тизимли равишда давом эттириш, оилаларда кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ёш китобхон оила” танлови ўтказиб келинаётгани, танловни 2022 йилдан бошлаб ўзгача ракурсда, маҳалла — сектор — туман (шаҳар) — ҳудуд — республика босқичларида ташкил этиш, уларда маҳаллалардаги уюшмаган ёшларнинг иштирокини таъминлаш эса навбатдаги вазифаларимиздир.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1032
85049 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар йўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 21:53 Топширилди — 00:00